

**“ТАШВИШ” СИГНАЛИГА ТЕХНИК ҚҶРИҚЛАШ МАРКАЗИ (ТҚМ) ОРҚАЛИ ХИЗМАТ
КжРСАТИШ БжЙИЧА**

59- сонли Ш А Р Т Н О М А

“_12_” январь_ 2022 йил

Фарғона ш.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи Б.И.Мирзакамоллов Низом асосида фаолият юритувчи бундан кейин бир томондан “Ижрочи” деб номланади, иккинчи томондан Ўзбекистон тумани Халқ таълими бўлими раҳбари Н.Сиддиқова бундан кейин “Буюртмачи” деб номланиб, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, мазкур Шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартноманинг предмети.

1. “Ижрочи” Миллий гвардия Қўриқлаш хизмати техник кўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда объект ҳудудига кирган бегона шахсларни ушлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноят содир этилишини олдини олиш мажбуриятини, буюртмачи эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар.

2.1. “Буюртмачи” Ўзбекистон тумани Конизар МФЙ Қулибек МФЙ А.Навоий кўчасида жойлашган Ўзбекистон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли “Баркамол авлод” болалар марказига 1 (бир) дона ташвиш тугмаси ўрнатиб, “Объект” ни дам олиш ва байрамолди кунлари ҳамда дам олиш ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни соат 09:00 дан соат 16:00 гача 7 (етти) соатга, “Ижрочиға топширади. Ижрочи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ўзбекистон тумани Қўриқлаш бўлими “Объект”да ўрнатилган ташвиш-сигнализацияси ҳолатини телефон алоқасидан фойдаланиб назорат қилиш мажбуриятини, шунингдек “Объект”нинг ТҚМ назорати даврида у ерга кирган бегона шахсларни қўлга тушириш учун объектдан ташвиш-сигнали берилганда, кўриқлаш нарядининг тезлик билан етиб келишини назорат қилиш мажбуриятини олади.

2.2. Объектнинг техник мустаҳкамлиги тўғрисидаги, кўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи техник (ҚЁОС) воситалари билан жиҳозланган жойлар, код билан маҳкамланадиган мосламалар ва бошқа маълумотлар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган илова ва текширув далолатномасида кўрсатилади.

2.3. Объектнинг кўриқлаш техник воситалари билан таъминлаш “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади. Бу воситаларнинг техник хизмати ва жорий таъмирланиши шартнома асосида “Ижрочи” инженер-техник ходимларига алоҳида тўлов орқали амалга оширилади. Объектни кўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи мосламалар схемаси Шартномаға илова қилинади.

2.4. Ўзбекистон Республикасининг кўриқлаш тизимида амалда бўлган умумдавлат ҳужжатлари ва норматив актларига асосланган ҳолда объектнинг техник мустаҳкамлигини кучайтириш, кўриқлаш воситаларига тадбиқ этиш ва жорий этилган кўриқлаш тартибларига амал қилиш юзасидан кўрсатмалар “Буюртмачи” учун мажбурий ҳисобланади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

3.1. Мазкур Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизмат нархи 1 ойда 562 727,20 (беш юз олтимиш икки минг етти юз йигирма етти сўм 20 тийин) сўмни, 3 ойлик хизмат нархи 1 688 181,6 (бир миллион олти юз саксон саккиз бир юз сааксон бир сўм 60 тийин) сўмни ташкил қилади, ўрнатилган тариф асосида кўриқлаш пост-соат ҳисоби бўйича Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган ҳисоб-сметаси (нарх келишиш баённомаси) да ҳисоблаб кўрсатилади.

Ўзаро тасдиқланган смета ҳисоби ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ижрочи хизматлари учун тўловларға қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолларда ўзгартиришлар киритишиға ҳақлидир ва Буюртмачи тўловларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва

Миллий гвардия Қўмондони томонидан тасдиқланган тарифлари асосида тасдиқланган кундан бошлаб тўловларни амалга ошириши шарт.

3.2. “Буюртмачи” хар ойнинг 25 санасига қадар тўлов суммасининг 100% миқдоридаги пулни “Ижрочи” нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. “Ижрочи”нинг хизмат кўрсатиш нархлари энг кам иш хақи ўзгарганда, энергия ташувчилар, аппаратура, автотранспорт, алоқа хизматлари нархлари ўзгарганда янги тарифлар киритилиши сабабли қайтадан кўриб чиқилади.

3.4. “Ижрочи” хизмати учун ҳисоб-китоб қилишга ўз маблағлари бўлмаган ҳолда. “Буюртмачи” белгиланган муддатда юқори орган (ташкилотлар) марказлашган фондидан қўшимча маблағлар ҳисобига қарздорликни қоплайди.

3.5 “Ижрочи”нинг қўшимча хизматлари учун “Ижрочи”томонидан ҳисоб ёки билдириш берилганда “Буюртмачи” томонидан 10 кун муддатда ўтказиш йўли билан тўланади.

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Буюртмачининг мажбурияти ва ҳуқуқлари:

4.1.1. “Ижрочи” тавсиясига биноан ташвиш-сигнализацияси ўрнатиладиган жойларни аниқлайди.

4.1.2. Бегона шахсларга ташвиш-сигнализациясидан фойдаланиш ва “Объект”га белгиланмаган шартли рақам ҳақида маълумот бермайди.

4.1.3. Ташвиш-сигнализациясидан фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилади ва унинг схемасига ўзгартириш киритмайди. Унинг носозлиги ҳақида ўз вақтида “Ижрочи”га хабар беради.

4.1.4. Кунига камида бир марта ташвиш-сигнализацияси ишлашини синаш учун “Ташвиш” сигналини бериб, синаб кўради. Бунда телефон орқали “Ижрочи” олдиндан огохлантирилади.

4.1.5. Ташвиш-сигнализацияси уланган телефон алоқаси ва электр таъминоти тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш чора-тадбирларини кўради.

4.1.6. “Ижрочи” га белгиланган тўлов ҳисоби ва далолатномаси асосида қуйидаги тўловларни амалга оширади:

- “Буюртмачи” айби билан ишдан чиққан ташвиш-сигнализацияси аппаратурасини таъмири учун;

- Фойдаланиш муддати 5 йилдан ошган ташвиш-сигнализацияси аппаратурасини капитал ремонт қилиш учун ташвиш-сигнализацияси фойдаланиш муддати тугаган ёки уни модернизация қилиш учун мавжуд аппаратура ўрнига алмаштириш учун;

- “Буюртмачи” айби билан берилган сохта ташвиш хабар учун (объектни НБП навбатчи бошқарув пульти)ни хабардор этмаган ҳолда кўриқлашдан чиқариш, телефон дастагини нотўғри ҳолатда қўйиш, мазкур шартноманинг 4.1.3.моддаси талаблари бажарилмаганда) кўриқлаш нарядининг келишига, ҳар бир келиши бир ойлик тўлов ҳисобидан 15 % миқдорида жарима белгиланади.

4.2. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

4.2.1. “Объект”ни “Буюртмачи” ўз маблағлари ҳисобига “Ижрочи”га тегишли “Ташвиш” сигнализацияси аппаратлари билан жихозлайди. Ўз ҳисобидан ташвиш-сигнализацияси воситаларини техник хизмати ва таъмирлашни амалга оширади, бундан “Буюртмачи” айби билан вужудга келган носозликлар мустасно.

4.2.2. Белгиланган тартибда “Объект”ни назорат қилиш учун қабул қилади ва “Ташвиш” сигнали берилганда 5 дақиқа ичида кўриқлаш наряди етиб келишини таъминлайди.

4.2.3. “Буюртмачи”ни “Ташвиш” сигнализациясидан фойдаланишга ўргатади ва уларга йўриқнома беради.

4.2.4. Хар бир сохта ташвиш сигнали ишлагани учун далолатнома тузилиб, 1 нусхаси “Буюртмачи”га берилади.

4.2.5. “Ташвиш” сигнализацияси аппаратурасидан фойдаланиш 5 йил муддатидан ошса, “Буюртмачи” ҳисобидан капитал таъмирлашни амалга оширади.

4.2.6. “Буюртмачи”ни “Ижрочи” хизмати учун тўлов таърифлари ўзгарганлиги ҳақида хабардор қилади.

4.2.7. Қуйидаги ҳолатларда шартноманинг амал қилишини тўхтатилади ёки бир томонлама бекор қилади:

а) “Буюртмачи” хизматлар учун тўловдан камида 3 ойлик қарздор бўлса;

б) “Ижрочи” мажбуриятларини бажариш учун тўсқинлик қилувчи техник сабаблар объектга ўрнатилган телефон номери ўзгарганда, телефон ўчириб қўйилганда ёки марказлашган қўриқлаш пункти тугатилганда;

в) “Ижрочи”га “Буюртмачи” ўзгарганлиги ҳақида хабардор этилмаган бўлса;

г) Мазкур шартноманинг 4.1.2., 4.1.3., 4.1.4., 4.1.6. бандларида кўзда тутилган қоидалар бузилган бўлса.

4.2.8. Агар техник воситалар билан амалга оширишга тўсқинлик қилувчи сабаблар (телефон ўзгарилган бўлса, телефон аппарати носозлиги, электр энергиясининг тўхтатилганлиги, марказий назорат пултларининг алмаштирилиши ёки қайта дислокация қилиниши) пайдо бўлса, “Объект”ни назорат учун қабул қилмайди, бу ҳақида “Буюртмачи”ни хабардор қилади.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Буюртмачининг жавобгарлиги:

5.1.1. Мазкур шартнома бўйича хизматлар учун тўловлар кечиктирилса, кечиктирилган ҳар 1 кун “Ижрочи”га шартнома нархининг 0,4% миқдоридан умумий жарима миқдори кечиктирилганда сумманинг 50% дан ошмаган ҳолда жарима тўлайди.

5.1.2. Мазкур шартнома бўйича хизматлар ҳақини асосланмаган ҳолда тўлашдан бош тортса тўлов миқдорининг 15% миқдоридан қўшимча жарима тўлайди.

5.2. Ижрочининг жавобгарлиги

5.2.1. “Ижрочи” қўриқлаш вақтидан ташқари объектда бегона шахслар томонидан зарар келтирилса, моддий жавобгар ҳисобланмайди.

5.2.2. “Буюртмачи”га, ташвиш-сигнали берилганда қўриқлаш наряди етиб боришлиги таъминланади.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафларни ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

7.1. Томонлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда, фавқулотда ҳолатларда, томонлар ўз имкониятлари ва кучлари билан назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатларда шартнома шартларини тўлиқ ёки қисман бажармаслиги тарафларни жавобгарликдан озод қилади.

7.2. Енгиб бўлмайдиган уч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

7.3. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

7.4. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Яқуний қоидалар

8.1. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

8.2. Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

8.3. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

8.4. Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олинганида кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмагандан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

8.5. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича-белгиланган тартибда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочиға Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларга узайтирилган ҳисобланади.

8.6. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачиға етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

8.7. Буюртмачи кетма-кет уч ой давомида мазкур Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи томонидан белгиланган муддатларда янгитдан тасдиқланган тарифлар асосида тақдим этилган смета ҳисобларини тасдиқлашдан бош тортса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8.9. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 60 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

8.10. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномаға қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

8.11. Мазкур шартнома тасдиқлангандан сўнг 01.04.2021 йил кунидаги № 129-сонли шартнома ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Тарафларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари:


“ИЖРОЧИ”

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш
бошқармаси
Юридик манзили: Фарғона шаҳар Оқсув
кўчаси 4-уй
Банк реквизитлари:
21596000900210137001
МФО-00026 СТИР: 200146674
ИФУТ: 80200
Марказий банк Фарғона шаҳар

Бошқарма бошлиғи



Бошқарма бош юристконсулти



“БУЮРТМАЧИ”

Ўзбекистон тумани ХТБ Яйпан шаҳарчаси
Зиёкор кўчаси 102
х/р:100022860302307096100075011
ИНН:200189130
МФО:00014
Марказий банк Тошкент шаҳар
х/р:23402000300100001010
ИНН:201122919
Ўзбекистон тумани газначилиғи

Раҳбари

Н.Сиддикова



Бош ҳисобчи